



ИСЛОМ МОЛИЯСИ АСОСИДА БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Исроилов Обид

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0002-6616-6292

obidisroilov1212@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда ислом молияси тамойиллари асосида бизнесни молиялаштиришнинг жорий ҳолати, истиқболлари ва долзарб муаммолари таҳлил қилинган. Муробаҳа, ижара, мушорака, мудораба каби инструментларнинг амалиётда қўлланиши, уларнинг тарқалиши ва молия муассасалари томонидан жорий этилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, исломий лизинг (Taiba Leasing), финтех (IMAN) ва исломий суғурта (Apex Insurance) ташкилотлари фаолияти мисолида ислом молияси хизматлари таҳлил қилинган. Мақолада ислом молиясининг ҳуқуқий базаси, инфратузилмаси, аҳолининг молиявий саводхонлиги ва кадрлар етишмаслиги каби тўсиқлар атрофлича ёритилган. Хорижий тажриба ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг аҳамияти ва истиқболли йўналишлари кўрсатилган. Шу боисдан, мақола илмий тадқиқотчилар, давлат органлари ва ислом молияси институтлари учун амалий аҳамиятга эга бўлиш мумкин.

Калит сўзлар: ислом молияси, муробаҳа, ижара, мушорака, мудораба, такафул, инфратузилма, исломий финтех, халқаро ҳамкорлик.

АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ ФИНАНСИРОВАНИЯ БИЗНЕСА НА ОСНОВЕ ИСЛАМСКИХ ФИНАНСОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Исроилов Обид

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье анализируется текущее состояние, перспективы и актуальные проблемы финансирования бизнеса в Узбекистане на основе принципов исламских финансов. Представлена информация о практическом применении таких инструментов, как мурабаха, иджара, мушарака, мудараба, их распространении и внедрении финансовыми учреждениями. Также проанализированы услуги исламских финансов на примере деятельности исламского лизинга (Taiba Leasing), финтех (IMAN) и исламского страхования (Apex Insurance). В статье подробно рассматриваются такие препятствия, как правовая база исламских финансов, инфраструктура, финансовая грамотность населения и нехватка кадров. Показано значение и перспективные направления сотрудничества с зарубежным опытом и международными организациями. Поэтому статья может иметь практическое значение для научных исследователей, государственных органов и институтов исламских финансов.

Ключевые слова: исламские финансы, мурабаха, аренда, мушарака, мудараба, такафул, инфраструктура, исламские финтех, международное сотрудничество.

ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF BUSINESS FINANCING PRACTICE BASED ON ISLAMIC FINANCE IN UZBEKISTAN

Isroilov Obid


The Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article analyzes the current state, prospects, and current problems of business financing based on Islamic finance principles in Uzbekistan. Information is provided on the practical application of such instruments as murabaha, ijara, musharaka, mudaraba, their distribution and implementation by financial institutions. Islamic finance services are also analyzed using the example of the activities of Islamic leasing (Taiba Leasing), fintech (IMAN) and Islamic insurance (Apex Insurance) organizations. The article thoroughly covers obstacles such as the legal framework, infrastructure, financial literacy of the population, and staff shortage of Islamic finance. The importance and promising directions of cooperation with foreign experience and international organizations are indicated. Therefore, the article can have practical significance for scientific researchers, government bodies, and Islamic finance institutions.

Keywords: Islamic finance, murabaha, ijara, musharaka, mudaraba, takaful, infrastructure, Islamic fintech, international cooperation.

Кириш.

Сўнгги йилларда глобал миқёсда ислом молияси ва банк хизмати соҳаси тобора оммалашиб бормоқда. Ислом молияси соҳаси 2014-2024 йиллар оралиғида 10–12 фоиз ўсиш суръати билан ривожланган. Бугунги кунда ислом молиясига мувофиқ молиявий активлар тахминан 2 триллион долларни ташкил қилади. Булар банк ва нобанк молия ташкилотлари, капитал бозорлари, пул бозорлари ва суғурта (Такафул)ни ўз ичига олади (worldbank, n.d.).



1-расм. 2020-2024 йилларда дунё буйича ислом молиясининг умумий активлари (Report, 2024)

Бу эса банк-молия тизимини исломий тамойиллар асосида ташкил этишнинг улкан имкониятларини ва амалий аҳамиятини яққол кўрсатиб туради. Юқоридаги 1-расм таҳлилига кўра 2020-2021 йилларда 6,3 фоиз, 2022 йилда 11 фоиз, 2023 йилда 9 фоиз ва 2024 йилда 12 фоиз ўсишни кўриш мумкин.

Ўзбекистон ҳам мазкур йўналишда айрим қадамларни қўйиб, жаҳон молия бозоридаги бу тенденцияга мослашиш ва ундан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, аҳолининг кўпчилиги мусулмонлардан иборат бўлиши ва шариат

қоидаларига мос молиявий хизматларга бўлган талабнинг ортиши, ислом молияси хизматларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий замин яратилади.

Бироқ, ислом молиясини амалиётга татбиқ этиш жараёни бир қатор қийинчиликлар билан тўқнаш келмоқда. Молиявий саводхонликнинг етарли эмаслиги, қонунчилик базасининг суғлиги, инфратузилманинг етарлича ривожланмаганлиги ва молия институтларининг техник имкониятлар етарли эмаслиги бу соҳани ривожлантиришдаги асосий тўсиқлар сифатида қайд этилмоқда (Asadov, 2023). Шу билан бирга, хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали бу камчиликларни бартараф этиш имконияти ҳам мавжуд.

Адабиётлар шарҳи.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда ислом молияси мавзусига доир ихтисослашган адабиётлар деярли мавжуд эмас эди. Хусусан, 1991-2004 йиллар давомида ислом молиясига оид илмий, назарий ва услубий асарларнинг етарли даражада чоп этилмагани кузатилади. Бу ҳолат мазкур соҳадаги концептуал ва амалий ечимларга эҳтиёж юқорилигини кўрсатади.

Бироқ 2010 йиллардан бошлаб соҳага нисбатан қизиқиш ортиб, бир қатор муҳим таржима ва маҳаллий асарлар нашр этилди.

Жумладан, 2014 йили малайзиялик профессор Судин Хоруннинг “Исломий молиялар ва банк тизими” асари ўзбек тилига таржима қилинди. (“Ўзбекистон” нашриёти, таржимон: Б. Жўраев). Ушбу китоб исломий молия ва банк тизимининг назарий асослари, тарихий ривожланиши, асосий тамойиллари, шартномалар тизими ва жаҳон молияси билан ўзаро алоқаларини чуқур қамраб олади.

2020–2021 йилларда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг ушбу соҳани бевосита ёритувчи “Қарз ва унга боғлиқ масалалар” номли асарида қарз бериш, олиш ва адо қилишда ёритувчи исломий механизмлар, ижтимоий адолат ва эътиқодий меъёрларни ажралиб кўрсатилган ҳамда “Бозор ва унга боғлиқ масалалар” номли асарида эса бозор фаолиятининг ахлоқий, шартномавий, молиявий ва назорат жиҳатларини, шунингдек исломий бозор инструментларини таҳлил қилинган. Бу асарлар фикҳий асосларда иқтисодий муносабатларни тартибга солишда муҳим манба ҳисобланади. Ҳар икки китоб ҳам ислом молиясининг турли мавзуларини ўрганадиганлар учун жуда муҳим манба ҳисобланади.

Шунингдек, 2023 йили дунё миқёсида тан олинган олим Муҳаммад Тақий Усманийнинг “Ислом молиясига кириш” номли асари ўзбек тилида “Азон Китоблари” нашриёти томонидан муаллиф тавсияси асосида нашр этилди. Ушбу асар ислом молиявий инструментлари, институтлари ва амалий моделларини кенг қамровли ёритгани боис соҳадаги илмий асослар шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Қуйидаги маҳаллий олимлар томонидан ислом молияси ва унинг тамойиллари асосида бизнесни молиялаштириш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган (oak, n.d.).

Жураев ўз тадқиқотида Ўзбекистонда ислом молияси тизимини жорий этиш зарурати ва унинг ривожланиш имкониятлари таҳлил қилинган. Молиявий хизматларнинг шариатга мувофиқ моделларини жорий этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аминова - исломий молия инструментлари (муробаҳа, ижара ва бошқалар) асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш масалалари, шунингдек, халқаро ислом молия институтлари билан ҳамкорлик механизмлари ёритилган.

Абдувосидова - халқаро ислом молия стандартларини миллий молиявий муҳитда жорий этиш имкониятлари таҳлил қилиниб, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи амалий моделлар таклиф этилган.

Зиё - исломий молиявий механизмларни тадбиркорлик субъектларига қўллаш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда "Ijara Muntaxiya Bittamlilik" каби воситаларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Султонов - Хоразм вилояти мисолида исломий молия воситаларини минтақавий иқтисодиётда татбиқ этиш имкониятлари таҳлил қилинган. Микромолия, вақф ва заковат каби институтлар асосида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ечимлари ишлаб чиқилган.

Саттарова - исломий молиявий ташкилотлар самарадорлигини оширишга қаратилган институтсионал механизмлар такомиллаштирилиб, минтақавий ўлчовдаги исломий молияни самарали бошқариш моделлари таклиф этилган ёки шакллантирилган.

Юқоридаги илмий тадқиқотлар шундан далолат берадики, мамлакатда ислом молияси моделларни жорий этишга бўлган эътиёж нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам тобора ортиб бормоқда. Жураев Б.Ю.ўз тадқиқотида ислом молияси тизимини жорий этиш зарурати ва унинг ҳуқуқий ва институционал асосларини белгилаб берса, Аминова ва Абдувосидова каби тадқиқотчиларимиз ислом молияси инструментларни (муробаҳа, ижара, такофул, сукук ва бошқалар) амалиётга татбиқ этиш ва халқаро ҳамкорликни жорий этиш механизмларига эътибор қаратган.

Шунингдек, Зиё, Султонов. ва Саттарова каби олимларимиз эса, ислом молиясининг минтақавий иқтисодиётга таъсири, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва муассасавий самарадорликни ошириш каби амалий жиҳатларини кенг ёритишган. Уларнинг таклиф этган моделлари ва ечимлари, айниқса, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда (вақф, микромолия, ижара каби воситалар орқали) муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида ҳам сўнги йилларда ислом молияси бўйича бир қатор тадқиқотлар эълон қилинган. Уларнинг асосий мазмуни қуйидагича:

Badrane & Vamousse (Марокаш) - инновацион молиявий ечимлар, жумладан, ислом молияси тамоилларининг бизнес самарадорлигига таъсири таҳлил этилган (arxiv.org).

Alsadi (АҚШ) - блокчейн технологиялари ва ислом молиясининг уйғунлашуви орқали децентрализилаштирилган ислом молиясига мос молиявий ечимлар таклиф қилинган (arxiv.org).

Naim va Kasri (Буюк Британия ва Малайзия) - интеллектуал мулк объектларининг ислом молияси моделига интеграция қилиш имкониятлари ва муаммолари ўрганилган (research.aston.ac.uk).

Omar (Иордания) - 2025 йилгача ислом молиясидаги асосий тенденциялар, финтех ва инвестиция воситалари тақдим этилган ([linkedin.com](https://www.linkedin.com/)).

Luo (Хитой) - блокчейн технологияларининг таъминот занжири молиясидаги қўлланиши орқали ислом молияси билан боғлиқ истиқболли йўналишлар тавсифланган (arxiv.org).

Жаҳон миқёсидаги тадқиқотлар таҳлиллардан маълумки, ислом молияси Ўзбекистонда ҳам, халқаро миқёсда ҳам тўлақонли илмий йўналиш сифатида шаклланиб бормоқда. Миллий даражадаги илмий ишлар ва халқаро тадқиқотлар ислом молиясининг назарий асослари, амалий механизмлари ва инновацион имкониятларини қамраб олмоқда. Ушбу йўналишдаги адабиётларнинг кўпайиши, илмий ишлар сонининг ортиши ва мавзунинг интердисциплинар кўринишда ўрганилиши унинг стратегик аҳамиятини янада оширмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолада Ўзбекистонда ислом молияси асосида бизнесни молиялаштириш амалиётини ўрганишда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили ва контент таҳлил методларидан фойдаланилди.

- ислом молиясининг жаҳон иқтисодиётидаги ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш
- ислом молиясини жорий қилган мамлакатлар, айниқса Малайзия тажрибасини ўрганиш
- Ўзбекистонда ислом молиясининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш
- Муаммолар ва имкониятларни аниқлаш
- Таклифлар ишлаб чиқиш

Ушбу тадқиқотда UNDP, World Bank, IsDB, ҳамда AAOIFI ва IFSB каби халқаро ташкилотлар ҳисоботлари ва таҳлилларидан фойдаланилди. Бундан ташқари, IMAN, Taiba Leasing, Apex Insurance каби маҳаллий ташкилотларнинг амалиёти мисолида ислом молиявий инструментларнинг татбиқи ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда ислом молияси амалиётининг ҳозирги ҳолати. Ўзбекистонда ислом молияси тамойилларига асосланган бизнесни молиялаштириш сўнгги йилларда алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, айрим тижорат банклари ва молиявий институтлар ушбу йўналишда дастлабки қадамларни қўймоқда.

2020 йилда БМТ Тараққиёт Дастури (UNDP) томонидан Ўзбекистонда Ислом молиясига эҳтиёж ва қизиқишни ўрганиш мақсадида ўтказилган сўров натижаларига кўра, тадбиркорларнинг 38 фоизи ва аҳолининг 56 фоизи диний сабабларга кўра анъанавий банк кредитларидан фойдаланмаслиги билдирган. Агар Ислом молияси институтлари ташкил этилса, тадбиркорларнинг 61 фоизи ва аҳолининг 75 фоизи уларнинг хизматларидан фойдаланишга тайёр эканликларни билдиришган (undp, n.d.).

Ўзбекистон аҳолиси - 36,06 миллион нафарни ташкил этади, бу Марказий Осиё аҳолисининг 45 фоизига тенг (2024). Республика аҳолисининг тахминан 71 фоизи 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган фаол меҳнат ёшидаги кишилардан иборат. 88 фоиз аҳоли - мусулмонлардан иборат (World Bank, 2024). Жаҳон банки маълумотларига кўра, аҳолининг 44 фоизи молиявий муассасаларда ҳисобга эга, 16 фоиз эса диний эътиқодлари туфайли ҳисоб очмайди (World Bank, 2022). Катталарнинг 28 фоизиди омонатлар мавжуд, бироқ фақат 3 фоизи бу омонатларни расмий молия ташкилотларида сақлайди (eabr.org, n.d.).

2011 йилда мамлакатдаги биринчи исломий лизинг ва молиявий компания - "Taiba Leasing" МЧЖ ўз фаолиятини бошлади. У асосан техника ва ускуналарни ижарага бериш (ижара) бўйича ихтисослашган.

Шунга ўхшаш фаолиятни "Uzbek Leasing International A.O." компанияси ҳам амалга ошириб, муробаҳа (оширилган нарх билан актив сотиш) хизматларини таклиф этмоқда.

Мамлакатда ягона исломий суғурта (такафул) оператори - Apex Insurance ҳам фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирча тўлақонли ислом банки фаолият юритмаётгани йўқ, лекин бир неча молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар исломий молия хизматларини таклиф қила бошладиган. 2022 йил 20 апрелда қабул қилинган ва 21 апрелда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (ЎРҚ-765-сон) микромолия ташкилотларига исломий молия хизматларини кўрсатиш учун асос бўлди.

Қонуннинг 4-моддасида микромолия ташкилотлари тадбиркорлик субъектларига кредитлар, лизинг, кафолатлар, факторинг хизматлари ва исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиши мумкинлиги белгиланган (lex.uz, n.d.). Исломий молиялаштиришга оид хизматлар деб, исломий молиялаштиришни амалга ошириш стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотларнинг қоидаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган тартибда кўрсатиладиган молиявий хизматлар тушунилади. Бу қонун билан Ўзбекистонда

биринчи бор “исломий молиялаштиришга оид хизматлар” тушунчаси қонунчиликда мустаҳкамланди ва микромолия ташкилотларига ушбу хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи берилди.

Ушбу қонун ислом молияси хизматларини ААОIFI (Ислом молияси бухгалтерия ва аудит ташкилоти) ва IFSB (Ислом молияси стабиллик кенгаши) стандартлари асосида, Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга ошириш лозимлигини белгилайди. Бу қонун асосида бир неча микрокредит ташкилоти исломий маҳсулотларни жорий эта бошлади. Масалан, 2022 йилдан “Траст Муамалат”, 2023-йилдан “IMAN” ва “Алиф Насия” каби молиявий ташкилотлар тўловни бўлиб тўлаш (насия) ва бир қатор ислом молияси хизмат турларини жорий қилди.

IMAN - бу ўзбек исломий финтех (молиявий-технологик) компанияси бўлиб, компания ўзининг икки асосий маҳсулоти билан танилган:

IMAN Invest - бу хусусий инвесторларнинг маблағларини бошқариш платформаси бўлиб, мудараба тузилмаси асосида савдо операцияларини муддатли тўлов (бўлиб тўлаш) асосида молиялаштириш орқали инвестиция даромадини шакллантиради.

IMAN Pay - бу савдо нуқталари эгаларига ислом молиясига мувофиқ “ҳозир ол - кейин тўла” хизматини таклиф қилувчи мобил иловадир.

Ҳозирда компания Ўзбекистон ва Қозоғистонда ўз офисларига эга. Шунингдек, IMAN яқин вақт ичида Покистон, Жанубий Осиё мамлакатлари ҳамда Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақалари бозорига чиқишни режалаштирмоқда. 2022 йилда IMAN компанияси БААдаги инвесторлардан 1 миллион доллар миқдорида бошланғич инвестиция жалб қилган.

1-жадвал

Ўзбекистонда ислом молияси хизматларни кўрсатаётган нобанк ташкилотлар фаолияти

№	Ташкилот номи	Асосий молиявий инструмент	Қўшимча исломий инструментлар
1	IMAN Invest	Муробаҳа	Мудароба, Мушорака
2	Траст Муамалат	Муробаҳа	Ижара
3	Алиф Насия	Муробаҳа	
4	IMAN Pay	Муробаҳа	Ижара
5	Uzbek Leasing	Муробаҳа	
6	Taiba Leasing	Муробаҳа	Ижара
7	Apex Insurance	Такафул	

1-жадвал таҳлилидан маълум бўлишича, Ўзбекистондаги нобанк молиявий ташкилотлар ислом молиясида асосан муробаҳа моделига таянади. 7 ташкилотдан 6 таси ушбу усулни асосий инструмент сифатида қўлламоқда, чунки у ислом молиясига мос ва амалиётда осон татбиқ этилади. Ижара - мулкдан вақтинча фойдаланишга асосланган инструмент сифатида 3 та ташкилотда қўлланилмоқда ва кичик бизнес учун қулай восита ҳисобланади. Мутораба ва мушорака каби шерикликка асосланган моделлар фақат IMAN Invest томонидан таклиф қилинмоқда, бу эса ушбу инструментларнинг амалда қийин жорий этилаётганини кўрсатади. Шунингдек, такафул - яъни исломий суғурта хизмати фақат битта ташкилот томонидан амалга оширилмоқда, бу эса турли молиявий эҳтиёжларни тўлиқ қоплашда чекловларни англатади.


2024 йилда Ўзбекистон Марказий банки Ислом молияси бўйича микромолия ташкилотлари учун ААОIFI стандартларига мос келадиган регламентларни тасдиқлаган (lex.uz, n.d.).

Ўзбекистон 2024 йил декабр ойида Ислом молиявий хизматлар бўйича халқаро ташкилот (IFSB)га аъзо бўлди (cbu.uz, n.d.). Ҳозирги вақтда Кенгашда 188 та аъзо мавжуд бўлиб, улар орасида 81 та молиявий назорат ва регулятор органлари, 10 та халқаро

хукуматлараро ташкилот ҳамда 97 та бозор иштирокчиси бор. Кенгаш 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг бош қароргоҳи Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган.

Тижорат банклари ҳозирча фақат “Исломий ойна” шаклида фаолият юритмоқда, яъни алоҳида бўлинмалар орқали ислом молияси тамойилларига мос маҳсулотлар таклиф этишни бошлаш босқичида. Ўзбекистоннинг бир қатор тижорат банклари, жумладан, Ипак Йўли банки, Алоқабанк, Трастбанк, Инвест Финанс Банк, Капиталбанк, Асакбанк, Туронбанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Ҳамкорбанк ва Asia Alliance банки Исломий хусусий секторни ривожлантириш корпорацияси (ICD) билан ҳамкорлик шартномалари имзолаган. Бу ҳамкорликлар асосан Муробаҳа тамойилларига асосланган кафолатлар шаклида молиялаштиришни ўз ичига олади.

2003-2023 йилларда Ислом тараққиёт банки (IsDB) ва Ўзбекистон ўртасида 3,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 70 та молиявий келишув имзоланган. 2025 йилда Ислом тараққиёт банки кичик ва ўрта бизнесларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ажратди. Бу маблағ Муробаҳа молиялаштириш, кредит кафолатлари ва бизнес жараёнларини ташкил этиш дастурларига йўналтирилиши белгиланган.



2-расм. Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Ўзбекистондаги айрим молиявий хизматлари кўрсатилган

Изоҳ: ИТБ – Ислом тараққиёт банки; ICIEC – Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш корпорацияси; ITFC – Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси; ICD – Ислом хусусий секторни ривожлантириш корпорацияси.

Манба: iciec.isdb.org сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги рақамлар Ислом тараққиёт банки гуруҳи Ўзбекистонни стратегик ҳамкор сифатида кўраётганини тасдиқлайди. Хусусан, ИТБнинг Марказий Осиёдаги молиялаштиришида энг катта улуш Ўзбекистонга тўғри келиши (МДХ давлатларига ажратилган \$9,1 млрд ичида 41%) (fitchratings.com, n.d.) ва ислом молияси инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 2023-йилда ИТБ гуруҳи ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида 2022–2026-йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик стратегиясини ишга туширди.

Ўзбекистонда исломий банк активларининг ўсиши 2028 йилгача 1,1 миллиард АҚШ долларига, 2033 йилгача эса 2,4 миллиард долларга етиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, сукук бозори ҳам жадал ривожланиши кутилмоқда - 2028 йилда 601 миллион долларга, 2033 йилда эса 1,9 миллиард долларга етиши тахмин қилинмоқда (О банке, 2025).

Ислом молияси асосида бизнесни молиялаштириш амалиёти. Ислом молияси асосида бизнесни молиялаштиришда асосий инструментлар қуйидагилар:

Муробаҳа - шундай савдо тури бўлиб, унда сотувчи савдо молининг таннархини ва қўйилаётган устамани, яъни ўзининг фойдасини харидорга очиқ-ойдин билдиради. Муробаҳада фойда томонлар келишувига биноан яхлит пул миқдори кўринишида ёки молнинг таннархи устига маълум миқдорда келишилган фоиз қўйиб шаклланган бўлиши мумкин (Усманий, 2023).

2003-2004 йилларда Ўзбекистон Ислом хусусий секторни ривожлантириш корпорацияси (ICD) ва Ислом Савдо Молияси Корпорацияси (ITFC) аъзоси бўлди. Бу ташкилотлар билан ҳамкорликда Муробаҳа асосидаги молиялаштириш лойиҳалари амалга оширилди.

Ҳозирда Ислом хусусий секторни ривожлантириш Корпорацияси Ўзбекистондаги ўн бешта тижорат банклари ҳамда иккита лизинг компанияси билан биргаликда Муробаҳа шартномалари асосида молиялаштиришни йўлга қўйди. Жами 591 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. ITFC эса Asia Alliance Bank, Капиталбанк, Ўзсаноатқурилишбанк ва Трастбанк каби банклар орқали 32 миллион АҚШ доллари миқдоридаги Муробаҳа молиялаштириш линияларини тақдим этди.

Қуйидаги жадвалдаги маълумотларга кўра, 2021-2025 йиллар давомида Трастбанк, Алоқабанк ва Микрокредитбанк каби банклар исломий молия хизматларини жалб қилишда етакчи ҳисобланади. Жами 591 миллион АҚШ доллари ажратилган бўлиб, бу маблағларнинг 70 фоиз қисми сўнгги 3 йилда амалга оширилган. Бу тенденция ислом молиясига бўлган институционал ишонч ва бозордаги эҳтиёжнинг ўсганлигидан далолат беради.

2-жадвал

Ислом хусусий секторни ривожлантириш корпорациясидан жалб қилинган маблағлар

Банк номи	2025	2024	2023	2022	2021	Жами
Asia Alliance Bank				20		20
Ўзсаноатқурилишбанк					25	25
Трастбанк	20	30	64	20	10	144
Ипак Йўли банки			15	15		30
Алоқабанк			15	50		65
Инвест Финанс Банк				10		10
Асакбанк	20					20
Туронбанк		10		30	10	50
ANORBANK	10					10
Smartbank	10					10
InfinBANK				25		25
Микрокредитбанк				70		70
Қишлоқ қурилиш банк				10		10
Ориент Финанс Банк					27	27
Kapitalbank				5		5
Uzbek Leasing International				15		15
Taiba Leasing	10	15	15	10	5	55
Жами	70	55	109	280	77	591

Мушорака (шарика) - шериклик битими бўлиб, фойда олиш мақсадида икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида активлар, меҳнат ресурслари ёки мажбуриятларни бирлаштириш тўғрисидаги битимни ифодалайди (Усманий, 2023).

Мушорака модели, яъни шерикчилик асосидаги молиялаштириш, тадбиркорлар ва молия муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди. Бу

модель фоизсиз молиялаштиришни таъминлаб, фойда ва зарарни адолатли тақсимлаш имконини яратади.

Мушораканинг асосий қоидалари:

Фойда тақсимоти: Шериклар фойдани аввалдан келишилган нисбатда бўлишадилар. Фойдадаги улуш сармоя миқдorigа мутаносиб бўлиши шарт эмас, аммо зарар тақсимоти сармоя миқдorigа мутаносиб бўлиши шарт.

Шартнома якунланиши: Мушорака шартнома шериклардан бири вафот этганда ёки келишув асосида якунланиши мумкин. Шу ҳолатларда мулк ва сармоя адолатли тақсимланади.

Мудариба - бир томон капитал киритади (раб-ул-мал), иккинчи томон эса меҳнат қўшади (мудароба), ва фойда келишув бўйича бўлинади.

Ўзбекистонда мушорака ва мудариба инструментлар ҳали тўлиқ жорий этилмаган. Аммо, Ислон тараққиёт банки ёки UNDP дастурлари доирасида инвестицион лойиҳаларда тадбиркорларга капитал бериш ва фойдани бўлишиш асосида қўллаш имкониятлари ўрганилмоқда.

Ижара - актив ва мулклардан фойдаланиш ҳолатига тааллуқли. ижара муайян мулкни ижара ҳақи эвазига бошқа шахснинг фойдаланишига топшириш амалиётини билдириб, инглиз тилида қўлланиладиган “лизинг” атамаси билан бир хил маънода ишлатилади. Ижара жараёнида қуйидаги томонлар иштирок этади. Ижарага берувчи, ижарага олувчи ва ижара тўлови (Усманий, 2023)..

Ўзбекистондаги биринчи тўлиқ ислоний ижара (лизинг) компанияси сифатида Taiba Finance 2010 йили ташкил этилган бўлиб, расмий фаолиятни 2011 йилдан бошлаган. Компания Ислон Тараққиёт Банки (IsDB) иштирокида 5 миллион АҚШ доллари миқдorigа устав капитали билан ташкил этилган. Ислон молияси талабларига тўлиқ мувофиқ иш юритилишини таъминлаш мақсадида, компания 2023 йили Shariyah Review Bureau томонидан халқаро даражадаги ислон аудити ва сертификатлашув жараёнидан ўтди. 2023 йил ҳолатига кўра, 300 дан ортиқ ижара лойиҳалари амалга оширилган бўлиб, уларнинг умумий портфели 40 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Молиялаштириш асосан автотранспорт, саноат ускуналари ва кичик бизнес соҳаларига йўналтирилган. 2025 йилга келиб, 600 дан зиёд объект ва 500 дан ортиқ мижоз қамраб олинган. Жами молиялаштириш ҳажми эса 55 миллион АҚШ долларида ошгани таъкидланган. Taiba Finance компанияси ислоний ижара хизматларини ривожлантириш борасида Ўзбекистонда етакчи рол ўйнаб келмоқда ва унинг фаолияти мамлакатда ислон молияси бозорининг шаклланишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, «Uzbek Leasing International A.O.» ва “Ал-Мулк Капитал” каби лизинг компаниялари эса кичик ва ўрта бизнес вакилларига ислон тамойиллари асосидаги ижара маҳсулотлари тақдим қилишни давом эттирмоқда.

Ислон молиясининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар. Ўзбекистонда ислон молияси хизматларини амалиётга татбиқ этиш жараёнида бир қатор муҳим тўсқинлик қилмоқда. Бу тўсиқлар соҳани тўлиқ ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш имкониятларини чекламоқда. Қуйида уларга батафсил тўхталиб ўтамыз:

- қонунчилик ва ҳуқуқий базасининг етишмаслиги:

Мамлакатда ислон молиясига оид қонунлар ва тартиб-қоидалар ҳали етарлича ривожланмаган. Ислон молиявий хизматларини амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий муҳит талаб этилади. Хусусан, солиқ қонунчилиги, суд қонунчилиги ва банк ва молиявий ташкилотлар тизимини тартибга солувчи қонунларда ислон молиясига оид махсус нормалар мавжуд эмас. Бу эса тадбиркорлар, банклар ва микромолиявий ташкилотлар учун ҳуқуқий ноаниқликларни келтириб чиқаради.

- тижорат банклари учун инфратузилма етишмаслиги:

Ислом молияси хизматларини амалга ошириш учун махсус инфратузилма, масалан, шариат кенгашлари, ислом молияси буйича экспертлари ва тўлиқ интеграция қилинган автоматлаштирилган тизимлар етарли эмас. Шу сабабли, айрим банклар ушбу хизматларни тўлиқ амалга ошира олмаяпти, хизматлари эса чекланган кўринишда амалга оширилмоқда.

- аҳолининг молиявий саводхонлиги пастлиги:

Аҳоли ва тадбиркорларнинг ислом молиявий маҳсулотлари ва уларнинг афзалликлари ҳақида етарли билимга эга эмаслиги ушбу хизматларнинг кенг тарқалишига тўсиқ бўлиб турибди. Бу эса банк хизматларига бўлган талабни пасайтиради ва бозор ривожланишини секинлаштиради.

Шунингдек, айрим ҳолатларда молиявий хизматларнинг қимматлиги ва маҳсулотларнинг мураккаб тузилиши ҳам аҳоли ва тадбиркорлар учун тушуниш қийин бўлиши мумкин. Бундан ташқари, халқаро ҳамкорлик ва хорижий инвестициялар билан боғлиқ қонунчиликдаги камчиликлар ҳам таҳдидлардан бири сифатида қайд этилади. Бу таҳдидларни бартараф этиш учун давлат сиёсатини такомиллаштириш, қонунчилик базасини кучайтириш ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда ислом молияси тамойиллари асосида бизнесни молиялаштириш йўналиши ривожланиш салоҳиятига эга. Аҳолининг ислом молияси талабларига мос молиявий маҳсулотларга бўлган юқори талабини қондириш орқали мамлакатда аҳолини молиявий тизимга жалб этиш даражаси, инвестиция муҳитини яхшилаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мумкин. Шу билан бирга, бу соҳада ҳали ҳам қатор муҳим таҳдидлар, жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқий базанинг етишмаслиги, ислом молияси соҳаси буйича кадрлар тайёрлаш масаласи, банк ва микромолиявий ташкилотлар учун дастурий таъминот мавжуд эмаслиги, инфратузилманинг етишмаслиги, ислом молиясига оид адабиётларнинг етишмаслиги ва аҳолининг молиявий саводхонлиги пастлиги каби муаммолар мавжуд. Уларни ҳал этишда халқаро тажрибалардан фойдаланиш, давлат ва хусусий секторнинг самарали ҳамкорлиги, ҳамда комплекс ёндашув орқали тизимли ислохотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараённинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатнинг молиявий бозорини диверсификация қилиш ва аҳолининг иқтисодий фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар / Литература / References:

Asadov A. (2023) *Legal Challenges Hindering the Development of Islamic Finance in Uzbekistan* // *Access to Justice in Eastern Europe*.

Cbu.uz (n.d.) *Central Bank of Uzbekistan. News section.* https://cbu.uz/en/press_center/news/2056233/.

EABR (n.d.) *Евразийский банк развития. Будущее исламского финансирования в Центральной Азии.* <https://eabr.org/analytics/all-publications/budushchee-islamskogo-finansirovaniya-v-tsentrally-azii/>.

Fitch Ratings. (2025) *Islamic finance shows potential in Central Asia as GCC ties deepen.* <https://www.fitchratings.com/research/islamic-finance/islamic-finance-shows-potential-in-central-asia-as-gcc-ties-deepen-04-03-2025>.

ICIEC (n.d.) *The Islamic Corporation for the Insurance of Investment and Export Credit.* <https://iciec.isdb.org>.

Lex.uz. (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, №УП-5972,* <https://lex.uz/docs/5972411>.

Lex.uz. (2022) Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида Қонун <https://lex.uz/docs/7036330>.

OAK.UZ (n.d.) Олий аттестация комиссияси сайти.

Report (2024) Islamic Corporation for the Development of the Private Sector (ICD) & LSEG. Islamic Finance Development Report. <https://icd-ps.org>

UNDP. (2022) Landscaping Islamic Finance in Uzbekistan. https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/UZB_andscaping-IF-in-Uzbekistan_final.pdf

World Bank. (n.d.) Global Islamic Finance Development Center. <https://www.worldbank.org/en/programs/global-islamic-finance-development-center>.

О банке (2025). Будущее исламского финансирования в Центральной Азии. [online] Eabr.org. Available at: <https://eabr.org/analytics/all-publications/budushchee-islamskogo-finansirovaniya-v-tsentralnoy-azii/>

Судин Хорун. (2014) Исломий молиялар ва банк тизими / таржима: Б. Жўраев. – Т.: Ўзбекистон нашриёти.

Усмоний М. Т. (2023) Ислом молиясига кириш. Т.: Азон Китоблари.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (2021). Бозор ва унга боғлиқ масалалар. – Т.: Hilol-Nashr.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. (2020) Қарз ва унга боғлиқ масалалар. – Т.: Hilol-Nashr.